

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

3.Пардаева

Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели	94
Х.Жўраев, З.Раҳимов	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари	103
Х.Шарафиддинов	
Қоғиянинг функционал ва структурал эволюцияси	106
Г.Муҳаммаджонова	
Ижод психологизмининг бадиий талқини.....	110
Я.Нишанов	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
А.Махмудов	
Олмон адабиётшунослигига Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли	119

ТИЛШУНОСЛИК

А.Мамажонов, М.Мамажонов, Б.Полвонова

Тилшуносликда вариантилилк масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билин муносабати	124
С.Мўминов, А.Юлдашев	
Сўз илмий талқинига бир назар	130
М.Зокиров, Ф.Исомиддинов	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида	134
Н.Умарова, О.Холматова	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида	139
Г.Розикова, М.Курбонова	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
Х.Сотвалдиева	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш	147
Ш.Кахарова	
Ўқитувчи мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари	151
Р.Абдуллаева	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари	155
Г.Мамаджанова	
Лингвокультуре маларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари	159

ПЕДАГОГИКА

Т.Эгамбердиева

Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳтили ва талқини	164
Х.Ибраимов, К.Тоджибаева	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклузив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида	170

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Хакимов, Ш.Умурзакова

Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишининг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
--	-----

Н.Валиева

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
--	-----

М.Расулов

Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни	182
---	-----

Ф.Каримова

Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси	186
---	-----

УДК: 41+543.06

СҮЗ ИЛМИЙ ТАЛҚИНІГА БИР НАЗАР

ВЗГЛЯД НА НАУЧНУЮ ИНТЕРПРЕТАЦИЮ СЛОВА

A VIEW AT THE SCIENTIFIC INTERPRETATION OF THE WORD

Мұмінов Сидиқжон Мирсобирович¹, Юлдашев Анваржон Махаммаджонович²

¹Мұмінов Сидиқжон Мирсобирович

– Фарғона давлат университети, филология
факультетінде доктори, профессор.

²Юлдашев Анваржон Махаммаджонович

– Фарғона давлат университети, тадқықотчи.

Аннотация

Сүз ўта серкірра өа сержило тил (нұтқ) бирлиги бўлғанлиги боис унга берилган илмий таъриф өа талқинлар ҳам турліча эканлигини ўзига хос нұқтаи назардан таҳлил этиши ушбу мақоладан кўзланган бош мақсад ҳисобланади.

Аннотация

Основная цель данной статьи – проанализировать тот факт, что слово это очень разнообразная и сложная языковая (речевая) единица, и что научные определения и интерпретации, данные ему, также различны.

Annotation

The main purpose of this article is to analyze the fact that a word is a very diverse and complex linguistic (speech) unit, and that scientific definitions and interpretations given to it are also different.

Таянч сүз өа иборалар: сүз, таҳлил, талқин, ҳодиса, бирлик, нұқтаи назар, асос.

Ключевые слова и выражения: слово, анализ, интерпретация, явление, единица, точка зрения, основание.

Keywords and expressions: word, analysis, interpretation, event, unit, point of view, basis.

XXI аср юксак интеллектуал кашфиётлар асри бўлишига қарамай, сўзниң қудратли кучи, чексиз имкониятлари бугунги кун ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳам ўз мазмун-моҳиятини янада мустаҳкамлаб бормоқда. Шундай экан, сўз қудрати нимада? Унинг қайси жиҳати ижтимоий мантиқнинг асоси ҳисобланади? Ҳақиқатан ҳам инсоният тафаккурини ифодаловчи сўз ижтимоий онг воситасининг асоси сифатида тўлиқ талқинга эгами?. Мазкур мақола шу ва шу каби саволларга жавоб топишга, сўзниң маъно ва тушунча билан боғлиқ моҳиятини илмий изланишлар имконияти даражасида изоҳлашга қаратилган.

Тушунча ёки маъно ифодаловчи сўз инсоният тарихининг ижтимоий асосини ташкил этади. Тилнинг сўз хусусиятларини ўрганадиган тилшуносликнинг соҳасига лексикология дейилади. Тилшунослика доир адабиётларда баъзан лексикология термини ўрнида лексика терминини қўллаш ҳам мавжуд. Бироқ, кўпчилик тилшунослар лексика терминини бирор тилда мавжуд бўлган сўзларнинг йиғиндиси маъносида қўллайдилар ва бу терминни соҳанинг номи маъносида ишлатмасликни маъкул кўрадилар.

Тилда мавжуд бўлган сўзлар йиғиндиси га нисбатан тилнинг луғат состави, тилнинг луғат бойлиги ёки ҳазинаси каби терминологик иборалар кенг қўлланилади.

Тилда мавжуд бўлган барча сўзлар юзаки қараганда алоҳида-алоҳида ҳаёт кечираётгандек бўлса-да, аслида сўзлар ўзаро бири иккинчисига турли жиҳатдан (маъно, қўлланиш усуллари, стилистик хусусияти, ясалыш моделлари ва ҳ.к.) узвий боғлиқдир. Тил назариясининг асосчиси Виллгельм фон Гумбольдтнинг “Тилда якка ҳолда яшайдиган биронта қисм йўқ. Ундаги ҳар бир элемент бутуннинг бўллаги сифатида ҳаёт кечиради” [2, 24.] деган қимматли фикри тилнинг сўз ҳазинасига ҳам алоқадордир.

Демак, тилдаги ҳамма сўзлар биргалиқда бир бутун тизимни – тилнинг лексик системасини ташкил этади. Маълумки, истаган тилнинг ифода имкониятлари бевосита луғат таркибининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Тилнинг лексикаси қанча бой ва ранг-баранг бўлса, тил ҳам шунчалик бой ва тараққий этган бўлади.

Тилнинг лексик системасидаги энг кичик бирлиги сўздир. Тилнинг бу бирлиги “лексема”, “луғавий бирлик”, деб аталади. Ўз

ТИЛШУНОСЛИК

ўрнида сўзнинг одатдаги маънолари ва терминологик маъноси бор эканлиги алоҳида назарда тутилади.

Тил структурасида сўз, энг аввало, номлаш вазифасини бажаради. Сўзнинг бундай вазифаси тилшуносликда номинатив функция деб юритилади. Тилдаги бошқа бирликлар эса номинатив функцияни бажармайди. Агар улар бундай вазифада келса, дарҳол сўзга айланади. Масалан, қиёслаймиз: *келғанмиш-олғанмиш, миш-миш, бойнинг ўғли - бойўғли, ота, она - ота-она, кунга боқар - кунгабоқар* кабилар. Лексикологияда аташ функциясига эга бўлган сўзларгина том маънодаги сўзлар деб ҳисобланади. Табиати бошқачароқ бўлган ёрдамчи сўзлар алоҳида ўрганилади. Сўзни ана шу муҳим белгиси асосида аташ вазифасини бажарадиган тил бирлиги деб осонгина таърифлаш мумкин. Бироқ барча сўзларда номлаш хусусиятининг бир хилда мавжуд эмаслиги туфайли мазкур таъриф ҳамма сўзларни ўз ичига ололмайди. Масалан, олмош, модал, ундов, тасвирий ва ёрдамчи сўзлар аташ функциясини бажармайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб таъкидлаш зарурки, сўз — тилнинг нарса-ҳодисалар, жараён ва хусусиятларни номлаш учун хизмат қиласидиган энг муҳим структур маъновий бирлиги, ўз товуш қобигига эга бўлган, бутун борлиқдаги нарсалар ҳақидаги тушунчаларни, улар ўртасидаги алоқани, уларга оидликни ёки уларга муносабатни ифодалай оладиган, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги, лексеманинг нутқда муайян шакл ва вазифа билан воқеаланган кўриниши. Сўз фан учун қурилиш материали бўлиб хизмат қиласиди, лекин ундан фарқли равишда хабар ёки тугал фикр билдирамайди. Сўз ўзида лексик ва грамматик маънони бирлаштирган ҳолда муайян сўз туркумига мансуб бўлади, ўз таркибида маълум бир тил тизимиға олдиндан оид бўлган барча грамматик маъноларни ифодалайди.

Тилшуносликда сўз атамаси лексемага нисбатан ҳам қўлланилади ва лексик сўз деб юритилади. Айтайлик, “сўз ясалиши”, “ясама сўз” биримларидан “сўз” худди шу маънода қўлланилади. Лексеманинг нутқда муайян шаклда воқеаланган ҳолати тилшуносликда сўз шакл, лексема шакл ёки морфологик сўз деб ҳам юритилади.

Сўзнинг товуш ва маъно томони мавжуд. Бироқ, ҳар қандай товуш йиғиндиши ҳам сўз бўлавермайди. Товуш ёки товуш биримаси сўз бўлиши учун маънога эга бўлиши, яъни муайян тил эгалари шу товушлар воситасида бирор нарсани англаши ёки бир-бирига англатиши керак. Сўз маъносида умумийлик ва яккаликнинг, барқарорлик ва ўзгарувчанликнинг диалектик ўзаро муносабати акс этади. Маънонинг барқарорлиги ўзаро тушунишни қулайлаштируса, унинг ўзгарувчанлиги (сўзнинг аниқ, бир маъносидаги ўзгаришлар) сўздан борлиқдаги янги тушунча ва нарсаларни номлашда фойдаланишга имкон беради. Сўзнинг кўп маънолиги ҳам айнан маънонинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ. Сўзловчининг номланаётган нарсага муносабати сўз маъносининг сўзловчи ҳистойғусини, шахсий фикрини ифодаловчи эмоционал жиҳатини ташкил этади. Юқорида эслатганимиздек, сўз тилда муайян тизимни шакллантирадики, бу тизим сўзнинг грамматик белгиларига (сўз туркумлари), сўз ясалиши алоқаларига ва семантик муносабатларига (синонимлар, омонимлар, антонимлар) асосланади.

Булардан ташқари, луғавий маънога эга бўлмаган, лекин ўз товуш қобигига, ўзига хос маъно, вазифасига эга бўлган, шу билан бирга сўз ясаш ёки сўз шаклини ҳосил қилиш учун фойдаланадиган морфемалардан фарқланувчи тил бирликлари ҳам сўз деб юритилади. Уларга ёрдамчи сўзлар (*аммо, лекин, билан, каби, худди*); ундовлар (*оббо, эхҳэ,вой*); тақлид сўзлар (*миёв, шилдир-шилдир, ялт-юлт*); модал сўзлар (*шубҳасиз, демак, эҳтимол*) мисол бўла олади.

Агар тилга барча билимларимизни авлоддан авлодга етказиш, оламни билиш ва ахборот бериш воситаси сифатида ёндашганда ҳам, тил ва нутқ қарама-қаршилигини хоҳ гносеологик, хоҳ онтологик ва прагматик нутқтаи назардан белгиланганда ҳам, тил бирликларига лингвистик белги жиҳатидан баҳо берилганда ҳам, сўз тил босқичининг марказий бирликларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбек, инглиз, рус ва турк тилларининг изоҳли луғатларида берилган сўз ҳақидаги маълумотларни

умумлаштирадиган бўлсак, сўз “инсон нутқининг маъно ифодаловчи энг кичик бўлаги”, деган таърифни уқиб олишимиз мумкин.

Бундан ташқари, сўзниң бир қатор фонетик, грамматик ва бошқа белгилари ҳам бор-ки, уларнинг ҳаммаси сўзга мукаммал таъриф бериш ишини анча қийинлаштиради. Шу боисдан бўлса керак, сўзга юздан ортиқ таъриф берилган бўлишига қарамай, ҳанузгача сўзниң мукаммал таърифи йўқ.

Қўйида биз сўзниң моҳиятига мос айрим таърифларни санаб кўрсатишга ҳаракат қиласиз:

Сўз предметларнинг, ёзув эса товушларнинг символидир. (Аристотель).

Сўз қуруқ товушлардан иборат бўлмай, материянинг номидир. (XVII аср инглиз материалисти Томас Гоббс).

Сўз тарихан ташкил топган товуш тилининг асосий бирлиги бўлиб, реал воқеликнинг умумлашма акси бўлган тушунчанинг яшаш формасидир. (О.С.Ахманова, В.В.Виноградов).

Сўз лексик маънога эга бўлган, мустақил қўллана оладиган айрим товуш ёки товушлар бирикмаси. (Э.Б.Агаян).

Сўз ўзининг товуш состави орқали борлиқдаги предмет, процесс, ҳодисалар ҳақидаги тушунчаларни ифодаловчи ёки улар ўртасида муносабат билдирувчи асосий тил бирлиги. (Д.Э.Розенталь).

Сўз колектив аъзолари томонидан бир хилда талаффуз қилиниб, бир хилда идрок қилинадиган ҳамда бирон предмет (ҳодиса)ни билдирадиган ёки улар ҳақидаги тушунчаларни эсга соладиган битта товуш ёки бир нечта товушлар бирикмаси сифатида шаклланган ишора (символ)дир. (С.Усмонов) [3, 4].

Професор Ҳ.Неъматовнинг умумий тилшуносликнинг долзарб муаммоси бўлган тил – нутқ қарама-қаршилигида сўзниң ўрни ҳақида баҳс юритувчи илмий қарашлари ўзбек тилшунослигига жуда аҳамиятлидир. У тўғри таъкидлаганидек, тилшунослик тарихида сўз муаммоси турли баҳсларга сабаб бўлиб келди ва ҳозир ҳам бу баҳслар давом этиб келмоқда. Бунинг боз сабаби, профессор Ҳ.Неъматовнинг фикрича, анъанавий тилшуносликнинг тил ва нутқ ҳодисаларини фарқламаганлигига, сўзни тил бирлиги ва унинг тузилиш бирлиги деб ҳисоблаганлигидадир. Шунинг учун ҳам

Ҳ.Неъматов сўзни тил ва нутқ қарама-қаршилиги асосида аниқламоқчи бўлади.

Ўз тадқиқотлари орқали тилшунос олим тил бирликларини ажратишда кўпчилик томонидан эътироф этилган бевосита кузатишда берилмаган, нутқда турли моддий шаклларда такрорланиш хусусиятига эга бўлган ижтимоий-руҳий имконият характерига эга бўлишлик белгисига таянади ва тилнинг структур бирликлари сифатида фонема, морфема, конструкцияни тан олади. Сўзни эса конкрет моддий шаклда ва маълум шароитда турли комбинацияларда юзага чиққанлиги туфайли тил бирлиги эмас, нутқ бирлиги деб ҳисоблайди. Сўз нутқ бирлиги бўлганлиги учун уни санаб саноғига етиш ҳам, унга таъриф бериш ҳам мумкин эмаслигини таъкидлайди.

Мазкур таъриф ва қарашларда сўзниң қуйидаги муҳим хусусиятлари акс этганлигини куришимиз мумкин:

1. Сўзниң тил бирлиги сифатида аташ функциясини бажариши.
2. Сўз тушунчанинг яшаш формаси, унинг ифодаси эканлиги.
3. Сўзниң хотирада товуш ва график образи мавжудлиги ҳамда сақланиши.
4. Сўзниң орасига бошқа сўзни киритиб бўлмаслиги.
5. Сўзниң жамоа томонидан бир хилда тушунилиши.
6. Сўз кенг маънода ишора (символ) эканлиги.
7. Сўзда лексик маънога узвий боғлиқ бўлган, ундан келиб чиқадиган грамматик маънонинг мавжудлиги...

Юқорида санаб кўрсатилган сўзниң таърифи ва хусусиятларидан лексикология даставвал сўзниң лексик томони, лексик маъноси билан шуғулланиши ва иш кўриши бир қадар аниқ бўлади.

Шундай экан, лексик бирлик бўлган сўзниң лексик томони, маъноси нима? Сўз одатда борлиқдаги бирор фактни номлайди, атайди. Сўз киши онгига товуш ва график образлар сифатида сақланади. Инсон хотирасида нарсаларнинг умумлашма излари ҳам бор. Ана шу икки томоннинг боғланиши сўзниң лексик маъносини ташкил этади. Бундан кўринадики, сўз предметнинг ишораси сифатида хизмат қиласи. Бошқача қилиб айтганда, сўзниң маъноси маълум бир тил системасининг воситалари орқали тушунчанинг реаллашувидир. Борлиқда

ТИЛШУНОСЛИК

предмет, онгимизда тушунча, тилда эса тушунчани ифодалаш учун хизмат қиласынан сүз мавжуддир. Борлықта предмет бўлмаслиги мумкин, лекин хотирада тушунча, тилда эса унинг атамаси – сўз мавжуд бўлади.

Сўзниң лексик маъноси ҳамма вақт тушунчанинг ўзинигина ифодалайвермайди. Сўзниң асосий лексик маъноси эмоционал-экспрессив оттенка, стилистик бўёқ биргалиқда лексик маънонинг компонентларини ташкил этади.

Сўз ҳақида келтирилган юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики:

а) “сўз тирик мавжудотлар ичида фақат инсонга ато этилган муқаддас нарса, одамлар учун зарур бўлган эҳтиёж, кишилар бир-бирларини тушуниши учун ўта муҳим бўлган қурдатли қуролдир” [4, 3];

б) “оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қиласи, сўзниң илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади” [1,5];

в) “ўзбек тилининг сўз ва иборалари замон-у макон нуқтаи назаридан чекламай йигилса, дунёдаги энг кўп луғатлардан улуғроқ луғат тузиш мумкин” [5, 3].

Адабиётлар:

1. Воҳидов Э. Сўз латофати. – Т.: O’ZBEKISTON, 2014.
2. Неъматов X. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти, 1988, № 6.
3. Нурмонов А. Сўз ҳақида сўз. Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, № 5.
4. Раҳмонов М. Сўзлар оламига саёҳат. – Т.: Фан, 2011.
5. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: EXTREMUM PRESS, 2010.